ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

VOLUME-5, ISSUE-5

МИСР МАМЛУКЛАРИ ДАВРИДА ИЛМ-ФАНГА ЭЪТИБОР

Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факултети Фалсафа кафедраси стажор-ўқитувчиси

Холдоров Абдураҳим

Мустақилликдан сўнг тараққиёт йўлида, хусусан, миллий мафкура яратишда аждодлар меросини ўрганишга, бир неча асрлик бой кадриятларни тиклашга эътибор қаратилди. Бу масала ҳукуматимиз томонидан давлат сиёсати даражасида муҳим аҳамият касб этди. Аждодларимиз маданий меросини янги принсиплар асосида ўрганишга, уларни объектив, илмий тадқиқ этишга имкониятлар яратилди.

Миср мамлуклар султонлиги карийб икки ярим аср мобайнида давом этган. Мамлуклар даврида ижтимоий ҳолат ва диний қадриятларга ниҳоятда катта аҳамият каратилган..

Тарихчи олимлар Миср мамлуклар давлатини пайдо бўлиши борасида қуйидагиларни айтадилар. Мамлуклар илк бор ислом оламида Аббосий халифа Маъмун (813-833) даврида пайдо бўлди. Сўнг халифа Муътасим (833-842) ўз салтанатида бир харбий бўлинмада туркманлар ва хоразмликлар хизматидан фойдаланди. Айниқса, Мисрда Тулунийлар, Ихшидийлар ва Фотимийлар сулолари даврида мамлукларни харбий хизматга жалб этиш жуда кенг тус олди. Мисрда ҳукм сурган Тулунийлар давлати (868-905) нинг асосчиси Аҳмад ибн Тулун карамоғида Қазвин денгизи жанубидан келтирилган оқ қуллар кўп бўлиб, умуман олганда, уларнинг сони 24 мингдан ортиқ туркийлар, 40 мингдан зиёд кора қуллардан иборат эди.

1171 йилда Салоҳиддин Айюбий курд мамлукларидан тузилган харбий қўшин ёрдамида Миср ҳукмрони бўлган эди. Унинг даврида турк мамлуклари янада кўпайди. 1174-1175 йилларда Бағдод халифаси Мустаъзиъ (1170-1180) Мисрда Салоҳиддин Айюбий ҳокимятини қўллаб-қувватлаб, унга султонлик мансабини берди ва хукукий томондан ҳам тасдиқлади. Уларнинг обрў-эътиборларининг ошишига асосан диний омил сабаб бўлган.

Мамлуклар илм-маърифатга, мадрасалар қурилиши, йўллар, работлар, кудуклар казиш, миллатидан қатъий назар барча эркин фойдаланадиган шифохоналар, турли элатлар орасида тинчлик ва тотувликни таъминлаш мақсадида козилик маҳкамалари, душманларга қарши туриш учун мудофа ҳолатини кўчайтириш, айниқса денгиз харбий салоҳиятни ривожлантириш мақсадида катта ишларни амалга оширдилар. Бахрий мамлук подшолари уламолар билан машварат қилар, диний ҳукмлар борасида олимлар билан мажлислар куришар эди. Султонлар томонидан олимлар катта эҳтиромга сазовор бўлиб, жамиятдаги тинчлик тотувуликни таъминлаш, инсонлардаги илмий салоҳиятни ошишига хизмат қилар эдилар.

Муҳаммад ибн Қаловун мактаби ёнидаги Муаззин кўчасида "Зоҳирия" хонакоҳи жойлашган. Уни Султон Зоҳир Баркук 1384 йилда қурдирган, у мадраса деб аталиб, таълим бериш билан бир қаторда ибодат учун ҳам мўлжалланган эди. Султон Баркук хонақоҳга кириш учун хонақоҳ шайхи, тўртта мазҳаб толиблари, муҳаддис, илм изловчилар келиши мумкинлиги, аср намозида Қуръони карим оятларидан ўқиш кераклиги каби шартларни қўйган. Мамлуклар даври хонақоҳларидан яна бир "Ал-Акмар" жомеъси яқинида жойлаштирган Нуриддин Али ибн Муҳаммад Маҳосин Шаробиший куч қурилган "аш-Шаробишия" хонақоҳидир. Амир Окбуға ҳимояси қурилган "Ал-Азҳар" университети яқинидаги "Окбугия" мадрасасининг бир қисми "Окбуға" хонақоҳи ҳам тасаввуф таралишига замин яратган масканлардандир.

ISSN: 2582-4686 SJIF 2021-3.261,SJIF 2022-2.889,
2024-6.875 ResearchBib IF: 9.948 / 2024

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Баҳрий ва Буржий мамлуклар даврида ислом илмлари, маърифат гуллаб яшнагани сабабли ижтимоий соҳада ҳам кўплаб ишлар амалга оширилган эди. Тадкикотчи уламолар ҳукмдорлар орасидаги низолар давлатнинг ички салоҳиятига ўз таъсирини ўтказмаган эди. Шу сабабли ҳам ўша вақтда Миер шаҳрига дунёнинг турли бурчакларидан олимлар, толиби илмлар ва бошка фан соҳиблари ўз илмий салоҳиятларини ошириш учун келганлар, деб хисоблайдилар.

Адабиётлар:

1. Махмуд Шокир. Мамлуклар асри ва султонлиги Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя. 1998.-Б. 125.
2. История стран Азии и Африкани в средние века. М.1969.-Б.278.
3. Ар-Рофиий Ашур. Миср фил усур вал вусто. Миср. Дор ал-фикр. 1989. – Б. 546-547.